



Ishonch

Моҳият
Ки ҳар ким аён этса яхши қилиқ, Етар яхшилиқдин онга яхшилиқ.
Алишер НАВОЙИ

Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси нашри // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

Янги кун янгиликлари

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилда «Микрокредитбанк» ОАТБ-нинг барча филиалларида тадбиркорлар учун ўқув-семинарлар доимий равишда ўтказиб келинмоқда. Бизнесга янги кириб келган тадбиркор ёшлар учун бу ўрашувлар айни мuddао бўлмоқда. Натихада банкка кредит сўраб мурожаат этганлар сони ошмоқда. Банкинг Балиқчи туман филиали томонидан жорий йилнинг биринчи чорагида савдо, ишлаб чиқариш, балиқчилик, паррандачилик, чорвачилик ва бошқа соҳалар учун 529 млн. 850 минг сўм миқдорда микрокредитлар ажратилди.
— Филиал томонидан аёл тадбиркорларга кредит ажратишга алоҳида эътибор қаратдик, — дейди банк бошқарувчиси С. Раҳимов.

Кармана туманидаги «Тошрабат» маҳалла фуқаролар йиғини маркази тубдан чирой очаётир. Кўркам гузар қўйнида замонавий тўйхона, 7 та савдо дўкони, МФЙ биноси ва кичик бозорча қурилиб, фойдаланишга топширилди. МФЙ райси Фарҳод Ражабовнинг билдиришича, яратилган қулайликлар натижа-сида 7 та янги иш ўрни очилган. Аҳоли эса янги хизмат турлари фаолиятдан ниҳоятда мамнун. Улар марказ ён-атрофини гулу гулзорларга айлантиришдек хайрли ишларда бажонидил иштирок этишмоқда.

Гулистон шаҳрида бунёд этилган «РАНА» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасида оммабоп, тезорар мотор-аравачалар ишлаб чиқарилаётир. Бу транспорт тадбиркорлар учун катта қулайлик туғдиримоқда. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотта хорихда ҳам талаб юқори. Уттан йили Украинага 1200 та, Қозғистонга 600 та мотораравачалар экспорт қилинди. Маҳсулотларга ташқи бозорда ҳам талаб кучаяётган-лигини ҳисобга олиб, корхона ўз фаолиятини янада кенгайтирди. «Ўзсанотқурилишбанк» вилоят бўлимидан олинган 360 млн. сўмлик кредит эвазига Хитойдан янги технологиялар келтириб ўрнатилди. Натихада, ишлаб чиқариш қуввати янада ортиб, яна 60 нафар маҳаллий ёшлар доимий иш билан таъминланди.

Марғилон шаҳрида «Spentex Toshkent To'ytera» Ўзбекистон-Хиндистон қўшма корхонаси филиали фаолият кўрсата бошлагани ҳақи қўл вақт бўлгани йўқ. Қисқа муддатда икки сменали иш ташкил этилиб, корхонада маҳаллий хом ашёдан импорт ўрнини босувчи матолар йиғирилиб, сўнгра тўқилиб, бўяш, гул бошиш жараҳларидан ўтиб, сайқал топгач унлаб хорихий маҳкакаларга экспорт қилинаётир. Корхона Англия, Япония, Германия давлатларининг даст-тоҳ ва ускуналари билан жиҳозланган бўлиб, пахта хом ашёсидан тайёрланаётган юқори сифатли матоларга бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Айни пайтда корхонада 100 нафар яқин ходим меҳнат қилмоқда. Ишчи ва хизматчилар учун зарур шароитлар мавжуд. Барча ходимлар иш кийимлари билан таъминланган. Уларнинг ишга келиб-қетишлари учун махсус автобуслар қатнови йўлга қўйилган.



Бошланғич ташкилотларда

Мамлакатимиз энгил саноати тизимидаги ислохотлар натижа-сида 2001 йили «Фаргона ип-газлама ишлаб чиқариш корхонаси» очик турдаги ҳисса-дорлик жамияти негизда «Қабул-Фаргона Ко ЛТД» Ўзбек-Корея қўшма корхона-си ташкил этилганди. Муста-қиллигимизнинг 10 йиллиги арафасида Президентимиз реконструкция қилиниб, комп-ютерлаштирилган корхона-нинг очилиш маросимида иш-тирок этди.

Аъзолар ишончи куч бағишлайди

2001 йилнинг октябрида иш бошлаган корхона касба уюшма қўмитаси ишчи-хондимларнинг иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, жамоа шартномасини тузиш ва қабул қилиш бўйича талай ишлар олиб борди. 2004 йилда қўшма корхона «Фаргона тексти» масъу-лият чекланган жамиятига айлантирилди.

2006 йил ноябрида эса «ДЭУ текстил Фаргона» МЧЖ шаклидаги чет эл корхона-си сифатида фаолият юрита бошлади. 2009 йил апрелида яна бир тарихий воқеа юз берди. «ДЭУ текстил Фаргона» МЧЖ ҳамда Тошлоқ ва Қўмтепада йиғирув ва тўқув фабрикалари жойлашган «ДЭУ тексти-компания» бирлаштирилди. Бугунги

кунда компаниянинг Фаргона, Тошлоқ, Қўмтепа фабрикаларида 4000 нафар ишчи-хондим ишламоқда. Уларнинг аксари-яти, яъни 85 фоизини аёллар ташкил эта-ди. Корхонада ишлаб чиқарилган махсу-лотларнинг 95 фоизи чет элга экспорт қилинаётгани эътиборга молик.
(Давоми 3-бетда)

Муносабат Журналистика ривожини — замон талаби

Куни кеча мамлакатимизда ижод аҳлининг касб байрами — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари хондимлари куни кенг нишонланди. Байрам шуқуҳи ҳамон кўнгилларга ифтихор ва қувонч улашяпти. Чунки муҳтарам Президентимизнинг йўллаган табриги яна бир бор соҳа хондимларини катта ваэифаларга чорлади. Президентимизнинг бу йилги қутлови алоҳида тарихий воқеа бўлди, деб бемалол айтишимиз мумкин. Зотан, у мустақил юртимизнинг йигирма йиллик шодийналарини арафасида йўлланди. Бунинг устига, табрик 2010 йил 12 ноябрда Олий Махлис Қонунчи-лик палатаси ва Сенатнинг қўшма йиғилишидаги Президентимиз маърузасида ахборот соҳасини ислох қилиш ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида илгари сурилган фикрларнинг манткиий ва изчил давоми сифатида таассурот қолдиради. Ахборот соҳасига бу қадар жиддий эътибор қаратилаётганиги боисини оммавий ахборот воситалари ҳар доим Юртбошимизнинг диққат марказида тургани, мамлакатимиз ижтимоий-сийсий ва маънавий ҳаётида асосий омиллардан эканлиги билан изоҳлаш мумкин. Мазкур табрик оммавий ахборот соҳасида қўзланган мақсадларга эришувимиз, оқилона фаолият юритишимиз учун дастуруламал ваэифасини ўтайди. Айниқса, «бу йўналишда кечиктириб бўлмайдиган долзарб ваэифалар, амалий ҳаётимизда тўсиқ бўлиб, ўзининг ечимини ку-таётган масалалар ҳали-бери қўплиги»ни англаб олишимиз учун ҳам табрик хати муҳим аҳамият касб этади.

Яна шуниси билан диққатга сазоворки, табрикда оммавий ахборот воситалари соҳасида қабул қилинадиган янги қонунлар, мавжуд қонунларга ўзгартишлар киритиш зарурлигини ҳам Президентимиз алоҳида таъкидлади. Бунинг замирида оммавий ахборот воситаларининг дунё миқёсида қучли мафкуравий қуролга айланганини, журналистларнинг манфаатлари қонун билан янада мукамал ҳимояланишини кўраимиз. Оммавий ахборот воситалари, нашриётлар, матбаа корхоналарига янги имтиёзлар бериш ҳақида Юртбошимизнинг амалий тақлифларида ҳам соҳага ҳамхўрлиқнинг ёрқин намунасига гувоҳ бўламиз. Зотан, бугунги авлодин ҳаётга тайёрлашда, уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат уйғотишда оммавий ахборот воситалари, нашриётларнинг бекиёв ўрин тутиши ҳаммага кундай равшан.
(Давоми 4-бетда)

Эртани эгалари

Айни кунларда олий таълим муассасаларини битирган ёшларнинг кўпчилиги мутахассислиги бўйича ишга жойлашиш тарадду-дида юришди. Келажагини олдиндан кўра олган баъзи йигит-қизлар эса талабалик давридаёқ қаерда ишлагани аниқ белги-лашган. Энг асосийси, бу ёш мутахассислар тараққиётимизнинг истиқболлини белгилоччи муносиб ворислар ҳисобланишди.

Келажакка йўлланма

Олий ўқув даргоҳини яқинда битирган ёшлардан айримлари билан суҳ-батлашиб, уларнинг юксак мақсад ва ўйлари билан танишиш имконига эга бўлдик.
Жумладан, Тошкент давлат иқтисодийт университетини тамом-лаган Фарҳод Пирманов келажак озуларини шундай ифодалади:
— Иқтисодийт севимли соҳам бўлгани учун ушбу олий ўқув юртида тах-сил олдим. Уқиб давомида назарий билимларни пухта эгаллашга ҳара-кат қилдим. Ҳозирда амалий кўникам ҳосил қилиш мақсадида ишлаб чи-қариш корхоналаридан бирида иш ўрганаётман. Мазкур корхонада фа-лолиятимни давом эттириш ниятидаман.
Жасур Эшматов, Қарши давлат университетини битирган:
— Бу йил университетни муваффақиятли тугатлаб, инглиз тили бўйича мутахассисликка эга бўлдим. Эндиги мақсадим — сайёҳлик ташкилот-ларида бирига таржимон бўлиб ишга кириш. Бу касбга менда юқу-чилик пайтимдан қучли қизиқиш уйғонган. Хорижий меҳмонларни юртимизнинг бой тарихи ва бугунги тараққиёт манзараси билан таништириш, уларга қўхна обидаларимиз, гузал миллий қадриятларимиз ҳақида фахр билан сўзлаб беришни орзу қилардим. Ниятим холис экан, ана шу ор-зумага етишимиз олдида турибман.
— Ёшлигимдан адабиётга меҳр қўйганман, — дейди ЎзМУ ўзбек фило-логияси факультетини тугатган Аҳмад Эргашев. — Шу истак мени филоло-гия мутахассислигини эгаллашга ундади. Битирув-малакавий ишшини му-ваффақиятли ёқладим. Уқиниши магистратурада давом эттириш ниятидаман.
Дилшод Собиров, Тошкент Олий Умумқўшим Қўмондонлик билим юртини тугатган:
— Билим юртимиз мамлакат Қуролли Қучларига юқори малакали офи-цер кадрларни тайёрлаш бўйича етакчи олий ҳарбий ўқув даргоҳларидан ҳисобланади. Ана шундай нуфузли масканини битирганимдан фахр-ланаман. Айниқса, онанинг яқинда билим юртимизда бўлиб ўтган би-тириш маросимида қатнашиб, ҳарбий бўлиб етишганимдан қалби гуру-га тўлгани қувончимни орттирди. Юртимиз чегара ҳудудларида хизмат қилиш бўйича йўлланма олдим.
Бундай улкан эзгу мақсадлар юртимиздаги ҳар бир ёшнинг қалбида ўрнашган, десак адашмаймиз. Қувонарлиси, уларнинг ўзига ва келажак-ка бўлган ишончи мустаҳкам. Ёшларимиздаги қатъиятчилик, интилувчан-лик ва ҳаётни теран англаш каби фазилатлар Ватанимиз тараққиёти, эр-танги қўнимизнинг порлоқлигига хизмат қилувчи муҳим омилдир.
Тўлқин ШЕРНАЕВ,
«Ishonch» муҳбири

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгашига Миннатдорчилик хати

Биз Хоразм вилоятидан келган тарбиячилар ва 150 нафар кам таъминланган оила фарзандлари, «Тошкент» денгизининг сўлим қирғоғида жойлашган «Меҳржон» болалар оромгоҳида биринчи масвумда мароқли дам олдик.

Хушхаво, хушманзара, саранжом - саришта оромгоҳда ҳар бир қўнимиз мароқли ва ҳаяжонли ўтди.
А й н и қ с а, оромгоҳда ўтказилган атоқли шоир ва ёзувчилар билан бўлган ўрашувлар, китобхоналар кечаси, мушоиралар, қизиқарли спорт ўйинлари, спартаки адалар, «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат», «Озод юрт фарзанди-

«Баркамол авлод», «Эртақлар — яхшиликка етаклар», «Соғлом танда — соғак» мавзусидаги маърифий тадбирлар ва мустақил юртимизнинг 20 йил м о б а й н и д а эришган муваффақиятлар акс эттирилган фильмларнинг намоиши бизда она-Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатимизни янада ошириб, қалбларимизда ифтихор туйғуларини аланглатирди.
«Меҳржон»да дам олувчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари, хўл меваларнинг дастурхондан узилмаслиги болалар саломатлигини янада мустаҳкамлаб, кайфиятларини кўтарди.
Бир сўз билан айтганда, биз тарбиячи ва тарбияланувчилар «Меҳржон» оромгоҳи раҳбари ва жамоасининг ҳар бир хондимдан миннатдоримиз.
«Меҳржон» ўртасидаги боланган дўстлик ришталари абадий бўлсин. Самимий дил ихзори ва ташаккуримизни қабул қилгайсизлар, «Меҳржон»нинг меҳрибон инсонлари! Сизларга самимий ҳурмат ва эҳтиром билан, Хоразм вилоятидан келган бир гуруҳ тарбиячилар номидан
Зумрад РАҲМОНОВА, Нурхон ҚўЧҚОРОВА,
Рўза ЖУМАТОВА, Рисолат МАТЮСУПОВА

Оромгоҳда болалар учун барча шарт-шароитлар яратилиб, «Меҳржон» боғида пишиб етилган олма, ўрик, олча, фермер ҳўжалигида етиштирилган гўшт, суг маҳсулотлари дастурхондан узилмаслиги болаларнинг соғлиқлари учун айни мuddао бўлди.
Болаларга кўрсатилган табибий хизмат ҳам кўнгилдаги-дек бўлди. «Смайль» компанияси билан ҳамкорликда болалар «Йод здоровье» суви билан таъминландилар. 60 нафар боланинг тиш касалликлари даволанди. Шунингдек, тахшис натижасида аниқланган кам қонли болаларга темир моддаси ва В, С дори-дармонлари ҳар куни бериб турилди.
— Мен оромгоҳдаги 12 куннинг ҳар бир дақиқасини жуда мароқли ўтказдим, — дейди Дониёр Отаев.
— Мен эса келгуси йили яна «Меҳржон»га келиб, ёзги мавсумини ўтказишни ният қилдим, — дейди ёқимтой қиз Хулқарой Пулатова.
«Меҳржон» оромгоҳининг ёзги клубида бўлиб ўтган ижодий ўрашувини «Меҳр билан ўрашув» деб номласа бўлади. Ижодий ўрашувада: шоир, киноактёр ва кинорежиссёр Фармон Эргашев, ёш эстрада хонандаси, киноактёр Феруза Маҳмудова, Тошкент вилояти «Ўзбекинаво» бирлашмаси етакчи мутахассиси, продюсер ва ташкилотчи Ҳамроқул Ражабовлар таширфи болалар дунёсига кўтаринки руҳ олиб кирди. Болалар ижодкорлар билан қизгин савол-жавобга киришдилар.
Ижодий ўрашув сўнггида бош рол қаҳрамони Ферузахон Маҳмудова ихросидаги «Қалбим ардоғи» фильми намоиш этилди.
Наргиза ОРТИҚОВА,
Қўшқўпир туманидаги 2-умумтаълим мактабининг олий тоифали рус тили ва адабиёт фани ўқитувчиси



ходимларнинг фарзандлари учун касабга уюшма маблағидан 2009 йилда 360 ходимга 3 млн. 700 минг 800 сўмлик, 2010 йилда 720 ходимга 9 млн. 076 минг 260 сўмлик ўқув қуроллари сотиб олинди. Маданий-маърифий ишлар касабга уюшма фаолиятида алоҳида ўрин тутди. Корхонада музей, маънавий хоналари мавжуд бўлиб, ҳар ҳафта жума кунлари цех ва бўлимларда маънавият дарслари ва ўқув машғулотлари ўтказилади. Байрамлар кенг нишонланади. Корхона ходимлари тармоқ миқёсида ҳар йили ўтказиладиган «Ўз касби-

йиллиги байрами арафасида Фарғона йигирув фабрикаси 3-смена бошлиғи Абдуваҳоб Навбахоров «Дўстлик» ордени билан тақдирланди. Ушбу мукофот бутун жамоамизнинг фидокорона меҳнатига берилган баҳо деб ҳисоблаймиз, — дейди касабакўми. Ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимларга кўмак бериш — касабга уюшманинг асосий вазифаси. Буни чуқур англаган касабга уюшма кўмитаси 2008 йилда 113 нафар ходимга 2 млн. 260 минг, 2009 йилда 102 нафар ходимга 1 млн. 840 минг, 2010 йилда 208 нафар ходимга 4 млн. 176 минг сўм моддий ёрдам кўрсатди. Корхона маъмурияти эса 2010 йилда 103 нафар ходимга 5 млн. 600 минг сўм моддий кўмак берди. Касабга уюшмаси фаолиятига яқиндан ёрдам берган ходимларга мукофот пули берилиши ҳам йўлга қўйилган. Ўтган йили 79 нафар

Саволлар: Хуқуқий маслаҳатхона

- 1. Касб-хўнар коллежи Консултатив маркази масъул котибига қай тартибда ва қанча иш ҳақи тўланади?
2. Катта ўқитувчининг 2011 йил март ойда аттестация комиссияси қарори билан малака тоифаси оширилиб, у малака синовида 91,4 фоиз натижа кўрсатган бўлса, бу касб-хўнар коллежи ҳузуридаги махсус комиссия томонидан II семестр учун ўқитувчининг ойлик устамаси оширилишига ёки бир марталик моддий рағбатлантирилишига асос бўладими?
3. Касб-хўнар коллежи фан кафедраси мудирига қай тартибда ва қанча иш ҳақи тўланади?
4. Касб-хўнар коллежида рус тили, чет тили ва информатика фанларини кичик гуруҳларга бўлиб ўқитиш учун ўқув гуруҳида камидан неча ўқувчи бўлиши керак?
5. Қишлоқ ҳудудидан жойлашган умумий ўрта таълим мактаби рус тили ўқитувчиларига тўланадиган 15 фоизлик қўшимча қишлоқ ҳудудидан жойлашган касб-хўнар коллежи рус тили ўқитувчиларига ҳам тўланадими?
6. Катта ўқитувчининг базавий тариф ставкаси 342953 сўм, умумий юкламаси 1771 соат (шундан 920 соат ўқув ва 851 соат педагогик) ва бунинг учун 394396 сўм ҳисобланган бўлса, махсус комиссия қарори билан директор жамғармасидан тўланадиган 10 фоиз ҳар ойлик устама неча сўмни ташкил этади?
7. Касб-хўнар коллежида сентябр ойи ҳолатига кўра рус тили фанидан 520 соат ўқув, 481 соат педагогик, жами 1001 соат умумий юклама вақанга тарифдан ўтган бўлса, кичик гуруҳларни қўшиб дарс ўтаётган, умумий юкламаси 1771 соат бўлган рус тили ўқитувчиси юқоридаги юкламанинг қанчасини бажариши керак, унга қай тартибда ва қанча иш ҳақи ҳисобланади?
8. Умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчисига 2007 йил 15 январда биринчи малака тоифаси ва бу ҳақда Давлат тест маркази томонидан сертификат берилган. Агар у касб-хўнар коллежига ишга ўтса, унга қайси малака тоифаси билан иш ҳақи ҳисобланади?
9. 1 ставка иш билан таъминланган касб-хўнар коллежи ўқитувчиси умумий ўрта таълим мактабидан ҳам ишлаши мумкинми? Агар мумкин бўлса, у қанча иш юкламаси билан таъминланади ва қай тартибда иш ҳақи тўланади?
10. Касб-хўнар коллежида ўриндошлик асосида ишлаш нима дегани? Соатбай асосда ишлаш-чи?
11. Ўқув юкламаси 920 соат бўлган рус тили ўқитувчисига дафтар текширгани учун 22607 сўм тўланадими ёки 25998 сўм?
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги 165-сонли қарорига 4-илова «Ўрта махсус, касб-хўнар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги Низомнинг 18-бандини «касб-хўнар коллежи ўқитувчиси 1,5 ставкада, яъни 1200 соат ўқув, 1110 соат педагогик, жами 2310 соат иллик иш юкламаси билан ишлаши мумкин» деб тушуниш мумкинми?

Аъзолар ишончи куч бағишлайди

(Давоми. Боши 1-бетда) Қарийб ўн йилдирки, «ДЭУ текстил Фарғона» МЧЖ касабга уюшма кўмитаси фаолиятини корхона нуфузига, эришадиган муваффақиятига мутаносиб равишда олиб бормоқда. Жумладан, касабга уюшма аъзоларининг иш билан мунтазам бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Айниқса, дунё миқёсидаги иқтисодий инқироз пайтида компания раҳбарияти касабга уюшма кўмитаси билан ҳамкорликда нафақат иш ўринларини сақлаб қолди, балки янги иш ўринларини ташкил этди. — Фарғона туманининг Аввал, Водил, Чимён қишлоқлари, Қувасой шаҳри, Қува, Олтиариқ туманларида қўшимча янги йўналишлар ташкил этилиб, ҳудудда истиқомат қилувчи 750 нафар аҳоли доимий иш билан таъминланди, — дейди касабга уюшма кўмитаси раиси Гулнора Юсупова. Шунингдек, дастлаб ишга қараётганларга қулайлик яратиш мақсадида уларнинг тиббий кўриқдан ўтказиш сарф-харажатларини компания зиммасига олди. Бунинг учун ўтган йил 13 млн. 398 минг 400 сўм сарфланди. Маълумки, ходимлар иш ҳақининг оширилиши ва ўз вақтида олишнинг назорат қилиш касабга уюшма фаолиятида муҳим ўрин тутди. Рақамларга мурожаат этсак, корхонада 2008 йил ходимлар иш ҳақи 40 фоизга, 2009 йил 45 фоизга, 2010 йил 50 фоизга оширилди. — Меҳнатни муҳофаза қилиш доимий эътиборимизда, — дейди касабакўми. — Аъзоларнинг иш жойи хавфсизлигини, шахсий ҳимоя воситаларини, махсус кийим-бош билан таъминланишини мунтазам назорат қилиб борамиз. Меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқномаларни тузишда иштирок этамиз. Мухими, корхонада ишлаб чиқариш билан боғлиқ шикастланиш содир бўлмаган. Аъзоларнинг ишлаш ва дам олиши учун барча шароит яратилган. Жумладан, ювениш ва гигиена хоналари, транспорт, тиббиёт бўлими, ошхона ходимлар хизматида. Шунингдек,



ишчиларга 23 та янги ва қулай ва автобус ажратилган. Тиббий ёрдам мақсадида дори-дармон харид қилиш учун 2008 йил 6 млн. 521 минг сўм дан эътиборини 12 млн. 779 минг сўм дан ортиқ маблағ сарфланди. Корхона миқёсида мунтазам спорт тадбирлари ўтказиб турилади. — Касабга уюшма кўмитаси ҳар йили цех ва бўлимлар жамоалари ўртасида футбол бўйича турнир ўтказилади, — дейди Г. Юсупова. — Ёз мавсумида корхона яқинида жойлашган сув ҳавзасида чўмилиш учун чипталар, спорт кийимлари ва анжомлари харид қилинади. Умуман, спорт тадбирлари учун 2008 йил 2 млн. 471 минг 200 сўм йўналтирилган бўлса, 2010 йилда 9 млн. 711 минг 150 сўм сарфланди. Бундан ташқари, ходимлар учун дам олиш уйлари ва сихатгоҳларга йўланмалар олинади. Касабга уюшма томонидан имтиёзли йўланмалар учун маблағ ажратилади. Ходимлар фарзандларини ёзги оромгоҳларда дам олириш касабга уюшма кўмитасининг диққат марказида. Хусусан, 2008 йил 70 донга йўланма олиниб, касабга уюшма ҳисобидан 1 млн. 496 минг 600 сўм сарфланган бўлса, ўтган йили 140 та йўланма учун касабга уюшма маблағидан 4 млн. 407 минг 254 сўм, маъмурият ҳисобидан эса 10 млн. 172 минг 540 сўм сарфланди. Шунингдек,

ходимга 1 млн. 580 минг сўм мукофот пули берилди. Мухими, ўтган йили жамоа шартномаси тадбирлари ўжроси тўғрисида ҳар бир ходимнинг моддий манфаатдорлик даражаси 677 минг 558 сўмни ташкил этди. Аъзоларнинг оғзаки ва ёзма мурожаатлари билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилган. 2008-2010 йилларда 84 та оғзаки ва ёзма мурожаат ташкил этилиб, ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Бундан ташқари, касабга уюшма кўмитаси раисига ташаббус билан ҳар ойнинг охириги сешанбасида барча цех ва бўлимдан сайланган вакиллар компания президенти бошқардиган йилги ишга иштирок этиб, муаммолар ҳақида фикрларини эркин билдиради. Ҳар ойда 2 марта чикадиган деворий газетада эса компания ҳаёти, касабга уюшма кўмитаси фаолияти ёритиб борилади. — Бир сўз билан айтганда, касабга уюшма кўмитаси фаолияти ходимларнинг ижтимоий ҳимоясида муҳим ўрин эгалламоқда. Улар нафақат иш юзасидан, балки шахсий муаммоларини ҳал қилишда ҳам кўмитага тез-тез мурожаат этишадиган бўлиб келишмоқда. Бундан ташқари, Фарғонадаги ҳамда қўшни Наманган ва Андижон вилоятларида жойлашган сўлим оромгоҳлар, тарихий масканларга оммавий саяхатлар уюштирилади. — Ишчиларнинг меҳнати давлатимиз эътибори тўғрисида мутаносиб қадр топмоқда. Ўтган йили мустақиллигимизнинг 19

Семинар

Қашқадарё вилоят касабга уюшма ташкилотлари бирлашмасида «Ўзбекистон Республикасида касабга уюшмалари ва инсон ҳуқуқлари» мавзусида ҳудудий семинар бўлиб ўтди.

Инсон ҳуқуқлари: мақсад яқдил

Йиғилишни бирлашма кенгаши раиси Эсон Ражабов олиб борди. Дастлаб инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази таълим бўлими мудири М. Самарҳўжаевнинг маърузаси тингланди. ЎзКУФК ташкилий ишлар бўлимининг бош мутахассиси Р.Самарбеков касабга уюшмалари ишини янада жонлантириш, нодавлат секторидан бошлангич ташкилотлар сонини ошириш даяр талаби эканини алоҳида таъкидлаб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты Қ.Одилов меҳнатқашлар ҳуқуқларининг қонуний асослари, миллий ва халқаро стандартлари хусусида маъруза қилиб, юртимизда бу борада изчил ислохотлар амалга оширилаётганини қайд этди. Шунингдек, вилоят ҳокимлиги котибият мудири А.Эркаев, меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи Ф.Эргашев, адлия бўшқармаси жамоат бирлашмаларини рўйхатга олиш соҳасида катта маслаҳатчиси Ш.Сатторов, вилоят солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи Э.Соатовларнинг маърузалари ҳам семинар қатнашчиларида қизиқиш уйғотди. Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Юртимиз қадамжолари бўйлаб

Фахрланиш ҳисси минглаб кишиларга улашилмоқда

Меҳнатқашларни юртимизнинг бетакрор қадамжолари билан таништириб, шу орқали улар қалбида ватанга муҳаббат ҳамда фахрланиш туйғусини тарбиялаш борасида пойтахт касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан ибратли ишлар амалга ошириляпти.

Бу борада Президентимизнинг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. — Эзгу мақсадни қўзда тутган ҳолда махсус қарор қабул қилиб, унда шахримиз меҳнатқашлари, айниқса, ёшларнинг йил давомида мамлакатимизнинг тарихий, диққатга сазовор жойлари, шу жумладан, Самарқанд ҳамда Бухоро шаҳарларида бепул саёхатлари уюштирилиши

таъкидлаб ўтилган эди. — дейди бирлашма кенгаши бўлим мудири Нуршод Ғиёсов. Бу албатта, шахримиз меҳнатқашлари ҳамда ёшларига олам-олам қувонч улашмоқда. Шу ўринда рақамларга мурожаат этайлик. 2008 йилда 3414 нафар, 2009 йилда 5742 нафар, ўтган йилнинг иккинчи яримида 4600 нафар аъзонинг Самарқанд шаҳрига саёхати уюштирилди. Жорий йилнинг апрел-май оила-

рида эса 4 минг 500 нафар ишчи-хизматчи ҳамда талаба ёшлар йилдан-йилга кўркам-лашаётган Самарқанддан олам-олам таассурот билан қайтишди. Аини кунларда эса Бухорои шарифга ҳам саёхатлар уюштириш режалаштирилмоқда. **Ерқинжон Хайдаров, Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг кичик илмий ходими:** — Эрта тондан Самарқанд шаҳрига 5 нафар ҳамкасбимиз билан отланар эканмиз, 10 йил аввал зиёрат этган файзиёб жойларни яна бир бор кўриб, қайтадан завқланиш имконияти насиб этаётганидан ниҳоятда хурсанд эдик. Саёхат режасидаги илк манзил буюк алло-

ма, ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорийнинг ёдгорлик мажмуаси бўлди. Сўнгра Самарқанд шаҳри томон йўл олдик. Ғури Амир макбараси, Регистон ансамбли... Регистон ўзининг ранг-баранг безаклари, нақшинкор пештоқлари, улкан гумбазлари билан зиёратга келган ҳар бир кишида ҳайратланиш ҳиссини уйғотганлигини кўриб, ич-ичимиздан ифтихор туйдик. Шохизинда мейморий ёдгорлигини айтмай-сизми? Ва ниҳоят, Улғубек расадхонасини томоша қилдик. Шаҳарни томоша қилиш учун келган чет эллик саёхатчилар билан суҳбатлашдик. Шаҳарнинг мейморий-тарихий ёдгорликларига 2001 йили ЮНЕСКОнинг Филландияда ўтказилган 25-сессиясида Жаҳон ижроси рўйхатига киритилганлиги «Замин сайқали» дея таърифландиган ғўзал шахримизнинг дунё маданияти тарихида муҳим аҳамият касб этишидан далолат беради, албатта. Бундан саёхатни уюштиргани учун касабга уюшма етакчиларига ўз миннатдорчилигини билдирамиз. **Н. РАФИҚОВ**



● Касаба уюшма спорти

Болалари соғлом юртининг эртаси ҳам ёруғ. Юртимизда ёш авлодди баркамол этиб тарбиялаш йўлида амалга оширилаётган ишларнинг мазмун-моҳиятида ана шу эзгу мақсад мужассам. Касаба уюшма ташкилотларининг, айниқса, ёшга соғломлаштириш палласида олиб бораётган қизгин фаолияти ўғил-қизларни жисмонан ва ақдан чиниқтиришга бекиб ҳисса қўшмоқда.

Ташаббуснинг амалий ифодаси

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида жойлашган «Алоқачи» болаларни соғломлаштириш оромгоҳида «Болалар олимпиадаси» ташкил этилганлиги фикримизнинг яқол тасдиғидир. Соҳа ходимларининг фарзандлари ўртасида бўлиб ўтган ушбу спорт тадбири эзгу мақсадга хизмат қилди. Чунончи, болалар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, спортни кундулик турмуш тарзига айлантиришда мусобақаларнинг аҳамияти катта бўлди.



Корақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан иштирок этган 14 та жамоа аъзолари минн футбол, шашка, шахмат ва стол тенниси каби турлар бўйича маҳоратини синовдан ўтказишди. — Болалар олимпиадаси жуда қизиқарли ўтди. Айниқса, мусобақаларнинг оромгоҳида ташкил этилганлиги маза қилиб дам олиш имконини берди, — дейди корақалпоғистонлик Гулзира Абенова. — Стол теннисини жуда яхши кўраман. Мунтазам шуғуллан-

ганим қизгин ва мурасасиз беллашуларда кўл келиб, биринчи ўринни кўлга киритдим. — Тог бағридаги гўзал табиат кўйида ҳордиқ чиқариб, мусобақаларда иштирок этганимга шукрият билан ёшганимни айтиш керак. Кайфиятим кўтарилгани боисми, шахматдан биринчи ўринни эгалладим. Бундан кейин ушбу спорт тури билан янада жиддий шуғулланмоқчиман, — дейди фарғоналик Жўрабек Русамов.

Мусобақалар натижасига кўра, Корақалпоғистон Республикаси жамоаси 1-ўринни эгаллаган бўлса, Фарғона вилояти жамоаси 2-ўрини, Тошкент шаҳри жамоаси 3-ўрини эгаллади. Голблар Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Марказий кенгашининг дипломи ва совғалари билан тақдирланди.

Акмал ТОШЕВ,
«Ishonch» мухбири

● «Биз – бунёдкор халқимиз» танловига



Бухоролик ака-ука Саъдулло ва Сайфулло Икромовлар машҳур темирчи Теша Икромов фарзандлари. Уларнинг темирчилик касбига бўлган меҳри отасидан ўтган.

Темирчилар хонадонининг тўртинчи авлоди ҳисобланмиш Сайфулло Икромов ясаётган миллий ҳамда япон пичок ва қиличларни бугун кўплаб давлатларда яхши танишади. Хиндистон, Англия, Германия, Арманистон, Қозоғистон каби бир қанча мамлакатларда бўлиб ўтган нуфузли кўргазмаларда қатнашиб, юксак совринларга сазовор бўлган ака-ука Икромовлар юрт номини дунёга танитишга астойдил бел боғлашган. Буни уларнинг устaxonасидаги бир-бирдан ажойиб маҳсулотлардан ҳам билса бўлади.

Суратда: Сайфулло Икромов.
Назира БОЙМУРОВА олган сурат

Истиқлол шарофати

Самарқандда ананавий «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали Истиқлол мизнинг йигирма йиллик тўйига ҳамроҳ тарзда саксонинчи бор бўлиб ўтди. Ҳар йили ўтказиб келинаётган ушбу фестивал дунё санъати байтига айланди. Зеро, куй янграганда тарқомига ҳоҳат йўқ, Регистон майдонидаги мусиқий сахна барча қитъа санъат усталари учун табаррук гўшага айланган.

«Шарқ таронаси» — юрак навоси

Айни дамда вилоят музейларида юртимиз мусиқа маданияти ва санъати ҳамда мазкур фестивалнинг тарихига оид янги экспозицияларни яратиш ишлари поёнига етказилаётган. Анжуман иштирокчилари ташрифи мўлжалланган туманларда ҳам қизгин ҳозирлик кўриломоқда. — «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалини ойнаи жаҳонда томоша қилардим, — дейди французлик сайёх Винсет Бернар. — Регистон майдонини ўз кўзим билан кўриш насиб этди. Цивилизацияга бешик бўлган диёрингизга кўз тегмасин.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Журналистика ривожига замон талаби

(Давоми. Боши 1-бетда).

Таълимга эҳтиёж ҳар бир одамда бор. Таъриқда айни шу соҳага — журналист кадрлар тайёрлашга эътибор қаратилар экан, журналистик таълимда ислоҳ қилиш зарурати борлигига яна бир қарра амин бўламиз: «Соҳада кадрлар, хусусан, ёш журналистлари тайёрлаш тизимини тубдан ўзгартириш, журналистик таълимга ихтисослашган олий ўқув юрталарининг ўқув-методик базасини такомиллаштириш, профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, катта маҳорат ва ижодий таъриқбага эга бўлган мутахассисларни, илғор педагогик технологияларни таълим жараёнига жалб этиш бўйича ҳам кўп ишлар қилишимиз керак».

Ушбу сўзлар замирида журналистикани истиқболли фанга айлантиришдек катта ҳақиқат мужассам; бу истиқболли фан амалиётга, ҳаётга нима бераётганини кўра олишимиз учун йўриқнома ётибди.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетида малакали журналист кадрлар тайёрланади. Юртимизнинг ижтимоий, маънавий тараққиёти учун хизмат қилиш билан боғлиқ вазифа бўлиб, Таъриқда таъкидланганидек, биз юксак ижтимоий салоҳият, истеъдодли журналистлар билан келажақ томон дадил одим ташлашимизни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Соҳа таълим тизимига туб ўзгаришлар қилиш вақти аллақачон етди. Президентимизнинг юқоридаги гаплари таъриқлар қошида «маҳорат мактабларини» ташкил этиш, факултетимиз билан таъриқлар ҳамкорлигини янада такомил-

лаштириш кераклиги тўғрисида хулосалар чиқаришга ўндайдди.

Факултетимиз профессор-ўқитувчилари журналистика ихтисослиги бўйича ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш устида жадал иш олиб боришга астойдил киришдилар. Ахборот асрида, айниқса, ахборот хуружлари юз бериб турган даврда бўлажак журналистларни мафкура майдонида соғлом фикр билан мамлакат равнақи йўлида ҳаракат қилиши учун «Ахборот психологик хавфсизлиги», «Интернет журналистикаси» сифатидан фанларни ўқитишни янада такомиллаштириш муҳим вазифага айланмоқда. Қолаверса, журналистика факультетида бу борада дастлабки қадамлар қўйилди. Факултетимиз олимлари томонидан ахборот хизматлари, ахборот психологик хавфсизлиги, «Интернет журналистикаси» бўйича ўқув кўлланмалар яратилиб, ўқув жараёнига татбиқ этилмоқда. Шу билан бирга, ёшларнинг интернет тармоқларидан кенг фойдаланишини, шу жараёнда ахборот хуружларига дуч келишини эътиборга олиб, юқоридаги фанлар барча олий ўқув юрталарида ўқитилса, айни муддао бўлишини таъкидламоқчимиз.

Айтиш жоизки, ОАВ соҳасида тараққиёт заруратдир. Бу тизимда ўқитиш ишларини тубдан ислоҳ қилиб, фақат жадал суръатида, худди чексизликка интилгандай интилмас, бурчимизни кўнгилдагидек бажарган бўламиз.

Насимхон РАҲМОНОВ,
филология фанлари доктори,
профессор,
ЎзМУ журналистика факультети декани



● Футбол
Бу ўйин чорак финал йўлламаси учун кечгани боис, ёш футболчиларимиз майдоннинг ҳар бир қаричи учун кураш олиб боришди.

Юриш давом этмоқда

Ўйинга тўхталишдан аввал, футболчимиз, умуман спортчиларимизга берилётган катта эътибор, яратилаётган шароит ва имкониятларни таъкидлаб ўтишимиз зарур. Зеро, ҳар қандай истеъдод эътибор ва парварिश кўргандагина куртак ёзади. Президентимизнинг 2011 йил 19 январда қабул қилинган «2011-2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг меваси шу эмасмикан? Мундиалга тайёргарликнинг юқори даражада ўтиши учун яратиб берилган халқаро ўртоқлик учрашувлари, бир неча давлатларда ташкил этилган йигинлар, обҳавога мослашсин дея ўн кун аввал Мексикага юборишлар чамаси ўз самарасини бермоқда.

Янги Зеландия билан бўлган биринчи ўйин (4:1 ҳисобидаги мағлубият) кўпчилигимизни ўйга толдириб қўйган. Лекин ўсмирларимиз Мексикага «муқаймоқ ялаб қайтишга» боришгани кейинги учрашуларда исботлай бошлашди. АҚШ ва Чехия мағлуб этилди. Мана энди Австралия мағлуб этилди — 4:0.

Ўйин тафсилотларига тўхтайсак. Учрашув тенг курашлар остида бошланди. Дастлаб тўпни кўпроқ «кенгурулар» назорат қилишди. Лекин 11-дақиқада марказда тўпни қабул қилган Холмурод Холмуродов ўнг қанотда очилиб бораётган жамоамиз сардори Аббосбек Махталиевнинг кўрди: ажойиб тўп ошириш, сардорга хос аниқ зарба ва гол!

Шундан сўнг рақибларимиз вазиятни тенглаштириш учун бор кучлари билан олдинга ташланди. Бундан фойдаланган ўсмирларимиз уларнинг ҳимоя чизигидиги бўшиқдан умумий фойдаланишди. Тўпурақ марказий ҳужумчимиз Тимур Ҳакимовнинг (40-дақиқада) ўнг оёқда берган кучли зарбаси рақиб ҳимоячиларидан бирига тегиб, йўналишини ўзгартирди — гол!

Иккинчи бўлимда яшил қитъа вакиллари вазиятни ўнглашга киришди. Лекин ҳимоя кўргонимизни ёриб ўтиш уларга насиб этмади. Ёш футболчиларимизнинг анча эркин ўйини, иштирокчиларига рақибларимизнинг асаби дош беролмади. Бирин-кетин Дайлан Томбидес (59-дақиқа), Тибой Камара (90+1, иккинчи оғоҳлантириш) майдондан четлатилди.


Австралия ўсмирлар терма жамоаси сардори Коннор Чапман (66-дақиқа)нинг ўз дарвозасига киритиб қўйган голи, жамоамизнинг баттар тушқун аҳволга тушиб қолишига сабаб бўлди. Ўйин тугаб бораётганда Давлатбек Ербеков томонидан киритилган гол кимнинг ким эканлигини кўрсатиб қўйди.

Албатта, чорак финалда рўпара келаётганимиз Уругвай жамоаси билан бўлиб ўтаётган ўйин осон кечмайди. Аммо умид қилса бўлади. Бунинг учун барча асосларимиз бор. Ана шу тўсиқдан ҳам ўтиб оласан... марра бизники!

Адхам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Дунёда ота-она бўлишнинг масъулияти катта. Лекин ҳамма ҳам бу масъулиятли вазифани маромига етказиб бажара олмайди. Фарзандни камолга етказиш йўлида озгина эътиборсизлик эса катта хато ва кўнгилсизликларни келтириб чиқариши мумкин.

«Назоратчи» масмисиз, мабодо?



кўриб, очиги ранжидим ҳам. Улар чугурчүкнинг болаларидай бир-бирига навбат бермай, одам ўлдириб, снайпердан ўқ узиб, пичоқни қўзлаб отиш каби қўрқинчли ўйинларни пинак бузмай, эти жунжикмай бемалол ўйнашарди.

Кеч тушиб қолгани боис, бу ердаги болалардан бирини: «Нечанчи синфда ўқийсан, қаерда яшайсан, отананг ҳам хавотирланиб ўтиргандир?» деб саволга тутдим. Ҳали у жавоб беришга улгурмай, интернет кафедаги иш бошқарувчи «опа, мабодо, прокурор эмасмисиз? Бировнинг боласи билан нима ишингиз бор. Берадиган пулингиз икки минг сўм

бўлса, ўз ишингизни қилсангиз-чи?», деса бўлади-ми?

Ана сизга келажақ эгаларига бўлган эътибор. Аслида, ёш авлоднинг компьютерни яхши ўрганиб замон билан ҳамнафас яшаганига нима етсин. Лекин болаларнинг онгини захарлайдиган бундай зарарли ўйинларни йўнатишга имконият яратиш бераётган амакиларга қандай баҳо бериш мумкин?

Психолог Нилуфар Мўминованинг айтишига қараганда, мазкур ўйинлар боланинг онгига тез таъсир қилади. Шу сабаб бола салга асаби бузиладиган, жаҳлдор бўлиб қолади. Бунинг аянкли оқибатлари ҳақида эса соатлаб гапириш мумкин.

Камола ШЕРМАТОВА

Кўшалок хушхабар

Тошкент шаҳрида самбо кураши бўйича аёллар ва эркеклар ўртасида ўтказилган Осиё ва жаҳон биринчилигида Навоий вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармасига қарашли 3-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиси Рўза Дуктурбаева муваффақиятли иштирок этди. Ҳамюртимиз 80 кг.лик вазн тоифасида мутлоқ голибликни эгаллади ва олтин медал билан таъдирланди. Мусобақа якунида чемпионнинг мураббийи Султон Исаевга ҳам олтин медал топширилди.

Спорт оламиндан яна бир хушхабар. Республика миқёсида ўз иқтидорларини намойиш этиб келаётган Роксана Исмоилова ҳамда опа-сингил Умида ва Нодира Мансуровалар «Ўзбекистон спорт устаси» макомига эга бўлишди.

Ш.ХИДИРОВ,
Навоий шаҳар 4-БЎСМ директори

Паркент туманининг хушманзара худудида жойлашган «Foton» ОАЖга қарашли «Машъал» соғломлаштириш оромгоҳи болажонларни ўз бағрига чорлайди.



Соғломлаштириш мавсуми 4 сменаи ташкил этиб, ҳар бир смена 12 кундан иборат. Йўлланманинг баҳоси 200 минг сўмни ташкил этади.

Болалар ҳамма қулайликларга эга бўлган оромгоҳда футбол, волейбол, стол тенниси каби спорт турлари билан шуғулланиши, бассейнда маза қилиб чўмилиши, ҳар хил тўғарақларга қатнашиши, кутубхонада кўплаб китоблар билан ошно бўлиши ҳамда ёшлик даврининг бахтиёр давларини тунги гулхан атрофида ўтаётган кечаларда мазмунли ўтказиши мумкин. Марҳамат, оромгоҳимизга таширф буюринг!

Мурожаат учун манзил: Тошкент вилояти, Паркент тумани Су-қоқ қишлоғи. Телефон: 233-74-63, 33-66-239

Ёқилғи-энергетика комплекс, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши жамоаси «Жанубгазтаъминот» унитар корхонаси касаба уюшма кўмитаси йўриқчиси

Ҳайит ЭРГАШЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради. Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти кенгаши жамоалари вилоят кенгашининг бўлим mudiri Муҳаммад Худойбердиевага онаси

БАШОРАТ аяннинг вафот этганлиги муносабати билан чўкур тазия изҳор қилади.

Insonga naf keltirish
PROVIDING HUMANITY SERVICES OF TRADE UNION OF LABORERS OF UZBEKISTAN
oliy baxt

Muassis:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:

Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:

Normamat ALLAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Muhammad Ali AHMEDOV,
Oksana BELAUSOVA,
Dovud MADIIYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Baxtiyor MAHMADALIYEV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Eson RAJABOV,
To'liqin TESHABOYEV,
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas'ul kotib),
Anvar YUNUSOV

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63

Huquq va xalqaro hayot 256-03-90

Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74

Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79

Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43

Reklama va e'lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:

Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Namangan + 99897 491 79 27;
Samarqand + 99866 708 70 12;
Surdondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99890 232 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:

100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail:
ishonch2011@gmail.com

Nashr ko'rsatkichi:

133

Navbatchi muharrir:

A. Toshev

Navbatchi:

A. Arslonov

Musahhib:

S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifafovchi:
H. Abdullajlov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bo'smasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Soltuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda menba sifatida gazeta nomi ko'rsatilib shart. Mualliflarning ta'biriyat nuqtai nazaridan foydalanish mumkin.

© - Tijorat materiallari

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma tabaq.

Bosishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 20.00

Buyurtma G — 711

13652 nusxada bosildi

1 2 4 5